

Боту истеъдодли шоир ва жамоат арбоби эди. У ўзининг таржимаи ҳолида: “Мен Боту – Маҳмуд Мақсудович Ҳодиев 1904 йилда Тошкентнинг Қалдирғоч маҳалласида, маҳсидўз – камбағал оиласида туғилганман...” деб ёзади. Бошланғич таълимни эски усулдаги мактабда олган Боту дастлаб Москвадаги Покровский номли институт қошидаги ишчилар факультетида (1921), сўнгра Москва давлат дорилфунининг иқтисод факультетида (1921–1927) ўқийди.

Шундан кейин у Самарқандга келиб, адабий ва ижтимоий фаолият билан машғул бўлади: жамоат ва давлат муассасаларида фаоллик кўрсатиб, ёшларнинг “Аланга” журналига муҳаррирлик қилади. Шу даврдан бошлаб шеър ва ҳикоялари, публицистик мақола ва очерклари “Билим ўчоғи”, “Инқилоб”, “Аланга”, “Маориф ва ўқитувчи” сингари журналларда чоп этилади.

Унинг “Ҳайит ҳаром бўлди” (1929), “Турсун” (1930) каби ҳикояларида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш, зиддият ўз ифодасини топган. “Умид учқунлари” (1925), “Тўлқинларим” (1929) каби тўпламларидаги шеърларида ёш шоирнинг самимий ва ҳаяжонли туйғулари ифода этилган. Энг муҳими, унинг шеърларида порлоқ келажак сари интилиш бош мавзу даражасига кўтарилган. Шу жиҳатдан шоирнинг “Қўзғолиш”, “Исён”, “Бизнинг товуш”, “У кун”, “Ёш юрак тўлқинлари” каби ўнлаб шеърлари эътиборга сазовор. Масалан, шоир куйидаги сатрларида ўз юрти осмонини мусаффо кўришни хоҳлаб ёзади:

*Йиртилдингиз, эй ярамас кора қалин пардалар,*

*Ҳеч ёвуқсиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!*

*Йўқолингиз, ёруғликни тўсатурган булутлар,*

*Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!*

Боту жамоат арбоби сифатида республикамизда мактаб-маориф, фан ва маданиятни

ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган. У кўпчилик ўзбек зиёлилари қатори 1929 йили қамоққа олиниб, Соловес оролларига сургун қилинган. 1938 йил 8 майда Москвага олиб келиниб, отиб ташланган.

*“Ўзбек адиблари” (С. Мирвалиев, Р. Шокирова. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2016) китобидан.*